



ЎЗИНГИЗ ВА ЯҚИНЛАРИНГИЗНИНГ СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФА

Эпидемиологик аҳвол инобатга олинган ҳолда Туркистон вилоятида карантин 8 июня гача узайтирилди. Шу муносабат билан минтақада қатор чекловлар сақлаб қолинади. Буни вилоят раҳбари онлайн-брифингда маълум қилди.

– Ҳаво орқали тез тарқаладиган мазкур касалликнинг ҳозирча аниқ вакцинаси йўқ. Вирусни йўқ қилиш учун шифокорлар куну тун тиним билмай тер тўкишмоқда. Вилоятимизда 300дан кўпроқ киши мазкур касаллика чалинган бўлса, 180 нафарга яқини тузалиб, оиласи бағрига қайтди. Афсуски, COVID-19 инфекциясини юқтирганинка гумон қилинаётган фуқаролар кўчада бемалол, қариндош-уруглариникига бориб юриди. Бу яхши эмас. Вирус вилоят миқёсида, ҳар бир туманда кўпа-

йиб бормоқда. Унинг опдини олмасак, оқибати аянчли бўлади. Болаларда вирусга чалингани билинавермайди, қарияларда эса жараён оғир кечади. Оиламиз, ота-онамиз, яқинларимизнинг соғлигини ўйласак, карантин меъёрларига қатъий амал қилишимиз зарур. Ҳукуни муҳофаза қилиш идораларига чеклов чораларини бузгандарни аямасдан жазолашни топширдим. Тадбиркорлар ҳам бундан мустасно эмас, – деди Ў. Шўкеев.

Сўнгги маълумотларга кўра, вилоятимизда 337 кишида коронавирус инфекцияси аниқланган, 187 киши эса касалликдан фориғ бўлиб, уйига қайтган.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕХНИКАСИ МАҚТААРАЛДА ЧИГИТ ЭҚМОҚДА

Мақтаарал туманида сув босган экин майдонларини аслига келтириб, чигит экиш ишлари бошланди. Шу мақсадда Мақтаарал туманига Ўзбекистон Республикасининг Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан 40та маҳсус техника ва 243,6 тонна чигит етказилди. Улардан 15таси чизель агрегати бўлса, 11таси эгат орасини юмшатувчи ускуна, 14таси уруғ қадайдиган (селялка) трактор.

Туман худудига кирган техника ҳозир суви тортилган далаларда дехқонларга ёрдамлашиб, чигитни қайта экиб бермоқда. Масалан, Ж. Нурлибаев қишлоқ округига қарашли Қаракир аҳоли манзилидаги "Жаманқул" дехқон ҳўжалиги Ўзбекистон техникаси билан 7 гектар майдонга чигитни қайтадан экиб улгурди.

– Сув босган 7 гектар майдонга чигитни Ўзбекистон техникаси ёрдамида қайта экиб чиқдим. Қўшни биродарлар техникадан ташқари, ёнилғи, юқори навли чигитини ҳам бепул беряпти. Бу талафот дехқонларга катта мадад экани сўзсиз, – дейди "Жаманқул" дехқон ҳўжалиги аъзоси Жандўс Сапархан.

Айтганча, тошқиндан туманда жами 7 минг 500 гектар экин майдони зарар кўрган. Шундан 5035 гектари Жанажўл қишлоқ округига тегишли. Ўзбекистон техникасининг аксарияти айнан ўша қишлоқ округига ажратилган. Бундан ташқари, Енбекши қишлоқ округига қарашли Жанатурмис ва Жантақсай аҳоли манзиларидаги 113,31 гектар майдонга ишлов бериш учун ҳам Ўзбекистон техникаси бўйинди. Шу билан бирга Ж. Нурлибаев қишлоқ округига қарашли Қаракир аҳоли манзилида 61,8 гектар майдонда чигит қайтадан экилмоқда.

– Қўшни элдан келган техникага талаб кун сайин ортмоқда. Сабаби, дехқонлар сув босган майдонларга май ойининг охиirlariga қадар чигит экиш мумкинлигини яхши билишади. Шу боис улар куну тун тинмай, экин майдонларига ишлов бермоқдалар. Бир кечакундузда тахминан 100 гектардан зиёд майдонга ишлов берилиб, пахта экилмоқда, – дейди туман қишлоқ ҳўжалиги бўлимининг мутахассиси Жарқинбек Мирзалиев.

Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.


ЯНГИ ХИЁБОН БАРПО ЭТИЛАДИ

Туркистон шаҳри ҳокими Рашид Аюпов Амир Темур кўчаси бўйидаги ободонлашириш ишларини кўздан кечирди.

Ободонлашириш ишлари 5 кун аввал бошланган, бу ерда 34 киши тер тўкяпти. Янги қиёфа кашф этаётган ҳудуд 15 июнь куни битиши керак.

Туркистон шаҳрида истироҳат боғлари сони ортмоқда. Факат марказий кўчаларгина эмас, шахар чеккасидаги кичик туманларда ҳам футбол, ўйин майдончалари билан бирга хиёбон ва гулзорлар барпо этилмоқда.

М. УСМОНОВА.



ТУРКИСТОН – МУҚАДДАС ЗАМИН У ҲАР СОҲАДА ПЕШҚАДАМ

ҚР Бош вазири Асқар Мамин раислигига ўтган Ҳукуматнинг селектор мажлисида кўкламги экин ишлари мухокама қилинди.

Туркистон вилояти ҳокими Ўмирақ Шўкеевнинг минтақадаги кўкламги дала ишларига доир маълумотига кўра, вилоятда қишлоқ ҳўжалиги мақсадида фойдаланиладиган экин майдонлари 857,2 минг гектарни ташкил қилади. Ҳозиргача дала ишларининг 92 фоизи туттилди.

Экин майдонларида алмашлаб экиш технологияси қўлланганлиги сабаби картошка, сабзавот, полиз майдонлари ўтган йилга нисбатан 3,2 минг гектарга кенгайиб, 122 минг гектарга, озукабоп экинлар 11,6 минг гектарга ортиб, 213 минг гектарни ташкил этди.

Вилоятда бошоқли экинлар майдони ўтган йилга нисбатан 4,8 минг гектарга камайиб, 213 минг гектарни ташкил этди. Пахтазорлар 12,7 минг гектарга камайиб, 118 минг гектарга тушди. Мойбоп экинлар

учун инвестор визаларини олишда ёрдам беришда давом этмоқда. 2020 йил 1-чорагида "Turkistan Invest" билан биргаликда умумий қиймати 23,18 млрд. тенгелик 7та лойиҳа амалга оширилиб, 197та иш ўрини очилган эди.

Қишлоқ ҳўжалигида Cottonex компаниялар гуруҳи (Польша) томонидан вилоятнинг Сайрам туманида юқори технологияли иссиқхона мажмуасини куриш бўйича кенг кўламли лойиҳасини биринчи босқичи ниҳоясига етмоқда. Умумий сармоялар ҳажми 11,3 млрд. тенге бўлиб, насиб қилса, 200дан ортиқ иш жойлари барпо этилади.

Умуман олганда, 2020 йилда вилоятда умумий қиймати 397,7 млрд. тенгелик 97та сармоявий лойиҳаси амалга ошириш режаланган.

Бундан ташқари "Эко Культура" агросаноат холдинг компанияси лойиҳасининг биринчи босқичи – 500 гектар майдонда иссиқхона мажмуалари қурилиши бош-



ўтган йилгидек 91,4 минг гектарга экилди.

Туркистон вилоятида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишлар Зта муҳим йўналишида йўлга кўйилган. Деҳқон ҳўжаликлири 3 ширкатга бириттирилиб, техника билан таъминланди ҳамда 11 минг гектарда ёмғирлатиб сугориш технологияси жорий этилди. Италия технологиясига асосан 1200 бошга мўлжалланган сут-товар фермаси ҳамда Австралия технологияси билан 10 минг бошга мўлжалланган қорамол бўрдоқилаш майдони қурилди. Шунингдек, паррандачилик фабрикасини ем билан таъминлаш лойиҳаси ҳам бор.

Ширкатларга қўшилмаган 2-3 гектар ери бор агротузилмалар учун бир майдондан йилига 2-3 марта ҳосил олиш режаси жорий қилинган. Ушбу лойиҳасининг самарадорлиги шундаки, 1 гектар майдондан йилига 6 млн. тенгедан зиёд даромад олиш мумкин.

Бундан ташқари, хусусий дехқон ҳўжаликлирида (ўй томорқасида) томчилатиб сугориш технологиясини татбиқ этиш орқали эртапишар сабзавот, полиз экинларини етишириш йўлга қўйилмоқда. Чунончи, 0,10 га ерга томчилатиб сугоришига сарфланадиган ҳамда агротехник харажатларни қўшиб ҳисоблагандা, 462 минг тенге маблағ сарфланиб, 850 минг тенге даромад олиш мумкин.

Ушбу уч йўналишида иш олиб бораётган дехқонлар, меҳнат унумдорлигининг 2-3 баравар ошишига ишончи комил.

Вилоятда қишлоқ ҳўжалиги тармоғини ривожлантириш мақсадида кўёш электр станциялари барпо этилмоқда. 2019 йил охирида сармоя жалб қилиш ҳажмининг ўсиши бўйича Туркистон вилояти ўтган йилга нисбатан 138,5 фоиз кўрсаткич билан Қозғистон минтақалари орасида 2-ўрини эгаллаган эди. Ўтган йил давомида вилоят иқтисодиётига сармоя киришига қарор қилган хориж сармоядорлари

ланди. Лойиҳа 2020-2025 йилларга мўлжалланган. Марказий Осиёда тенгисиз лойиҳага сарфланадиган сармоя ҳажми 600 миллиард тенге атрофида. Айни пайтда компания 50 гектар майдонда лойиҳасининг биринчи босқичи бўйича лойиҳалаш ишларини олиб бормоқда.

Шу билан бирга, "Тан Сари Трейдинг А" МЧБ мева-сабзавот (қовун-тарвуз) маҳсулотларини сақлаш ва саноат асосида қайта ишлаш бўйича агросаноат мажмуасини куриш лойиҳасини амала оширмоқда. Уни 2020 йилдан 2021 йилгача татбиқ этиш кўзда тутилган. Инвестиция ҳажми – 1,7 млрд. тенге. Корхона маҳсулотларини МДХ ва Евropa Иттифоқига экспорт қилиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, вилоятда хорижий давлатлар иштирокида кўшма лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. "ARM Wind" (Италия) Ўтрор туманининг Шаулдер қишлоғида 50 МВт қувватга эга қўёш электр станцияси курилишини олиб бормоқда. Компания уни 2020-2021 йилларда тутиш ниятида. Кентовда "KZT Solar" ва "HEVEL KAZAKHSTAN" МЧБ томонидан 110 МВт қувватга эга қўёш электр станцияси (сармоя ҳажми 32,2 млрд. тенге) нинг курилиши бошланди. Шунингдек, Туркияни "YDA Insaat" компанияси Туркистонда 78,8 млрд. тенге сармоя эвазига ҳалқаро аэропорт қурилишини олиб бормоқда.

Бундан ташқари "Turkistan Silkway Harbor" МЧБ Туркистон шаҳрида "Карвон-сарой" кўп функцияли сайёхлик мажмуасини қурмоқда.

Хуллас, бутун дунёни қамраб олган коронавирус бизнинг Қозғистонни ҳам забт этиши, ҳар соҳага салбий таъсир кўрсатшига қарамай, оқил раҳбарлар, билимдон етакчилар, меҳнаткаш туркистонликларнинг фидокорона меҳнати туфайли муқаддас Туркистон заминини тараққий эттириш, гуллаб-яшнатишга доир улкан лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мухтабар УСМОНОВА.

31 май – Сиёсий қатағон қурбонларини хотирлаш куни

37-ЙИЛЛАРНИНГ БЎРОНИ ГУВИЛЛАГАНДА...

Бугунги кунда нафақат тархчилар, балки журналистларнинг ҳам диққат-эътиборидаги масала – 30-йиллардаги қатағон сиёсати даврини айтмоқдаман.

31 май куни Қозоғистонда сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш куни деб белгиланган учун, келинг, қатағон даврига биргаликда назар ташлайлик.

– Сиёсий қатағон кимнинг дир отасини, кимнингдир акасини ёки бошқа қариндошларини ўзининг қонли гирдобига тортган. Ўша давр қурбонлари орасида сизнинг ҳам яқинларингиз бормиди?, – шимкентлик нафақадор устоз, кўп йиллар Муқимий номидаги 13-сонли ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётдан дарс берган Ҳулкар опа Рӯзиметовага ушбу савол билан мурожаат қилдик.

– 30-йиллардаги машъум сиёсат сира айби бўлмаган, ҳалол одамларнинг кўплаб қамоққа олинишига, қириб ташланишига сабаб бўлди. Сталин шахсига сифиниш йилларида асоссиз қамалиб, жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида раҳбарлар, партия ходимлари, зиёлилар, мулкдорлар жуда кўп эди. Улар билан бир қаторда, диний арбоблар ҳам роса жабр кўришид. **Бобом** – шимкентлик машҳур домла Исомиддин Нўймонов ва отам, таникли зиёли Абдулла Қозоқ (тажаллуси)нинг ҳам боши узра қора қузғуллар айланганини айтишим керак. Бу ҳақда илгари матбуотда хабар бермаганмиз. Бобомнинг аянчли қисмати кўп йиллар яшириб келинган, лекин аммам ва амакимларнинг сўнгги йилларда айтиб берган хотиралари ва ўйда сақланётган ҳужжатлар фикримнинг ҳақонийлигини тўлиқ тасдиқлади.

– Бобонгизга қандай айб кўйилган эди?

– Бобом Эски шаҳарнинг доврукли Меҳнат кўчасида яшаган. Марказий масжидда домла бўлиб хизмат қилган. Диний заводи кучли бўлганидан унинг ҳузурига қўшни республикалардан кўплаб одамлар келиб туришган. Эскишаҳарлик машҳур бой, катта мулкдор Абдушвой ота бобомга ўз еридан бўлиб бериб, бое қилишига кўмаклашади. Бобом у ерда катта олмазор барпо этади. Юкорида айтганимдек, илми кучли бўлгани учун олдига турли юртлардан одамлар келиб туришган. Улар машҳур бое ҳақида эшишиб, мева кўчатларини олиб келишар экан. Кўчкор отанинг зилол сувини ичган хушбуй боғнинг донғи чор атрофга тарқаган экан. Отам ҳам кейинчалик ўз асарларида “Чимкентлик аёлларнинг гўзаллиги – тоза булоқ сувидан ичгани ва олмани кўп еганидан” деб таърифлаган эди.

Ҳуллас, “Қама-қама”, “чоп-чоп” даври бошланган, яъни 37-йилларнинг бўрони гувиллаганда, бобомнинг фаолияти – масжидда домлалик, бое – боғбонлик бўлган. Уч ўғил ва

бир қизини аёли София билан биргаликда хотиржам тарбиялаётган эди...

– Бобонгизни қандай ҳибсга олишди, тергов, суд жараёнлари ҳақида биласизми?

– У ишига одамлар келиб, “Домла, замон ёмон бўлди, эҳтиёт чораларини кўрмасангиз бўлмайди”, деб олдиндан огоҳлантиришади. Укалари Нажмиддин ва Қамариддин Тошкентта қочишни маслаҳат беришади ва ўзлари ҳам шу тарафларга ўтиб кетишидади. Бобом “Менинг нима айбим бор, нима учун ўзга юртларга қочишим керак, қолаверса, кенжатойим (аммам, таникли устоз Салима Овчиева) энди 1 ёшга тўлди, унинг аҳволи нима кечади?”, дейди.

Ўша даҳшатли кун ҳақида илк эшиганимда, худди ёнимда бомба портлагандек бўлди.

одамларга кўпинча “жосус”, “аксилинқилобчи”, “миллатчи”, “қулоқ” деган айблар қўйиларди. Терговчилар қўлга тушган одамлардан ўзларига қарши кўрсатма беришни талаб қилишарди...

– Бобомни уч кун кутишади. Уни Советская кўчасидаги баланд деворли қамоқхонада сақлашади. Иккинчи куни бувим овқат кўтариб, дарагини билиш учун ўша жойга боради. Лекин уни ичарига киритишмайди ва хеч қандай маълумот беришмайди. Уч кун ўтар-утмас, Мўйиддин деган домла ҳамда бир нечта зиёли кишилар билан бирга ҳозирги Қайтпасга олиб бориб, отиб ўлдиришади...

1953 йилда бобомнинг ноҳақ ўлдирилгани, қатағон сиёсатининг қурбони бўлгани исботланди.

– Домлага етган азоблар,

номли 3-сонли мактабни битириб, Тошкентдаги САГУнинг журналистика факультетидаги ўқиёдиди. Аълочи талабалардан шимкентлик Раҳим Бекжонов (машҳур фан арбоби, академик) ва Абдулла Исомиддиновни Ленинградга – аспирантурага йўлланмана билан юборишидади. Отамга у ерда таҳсил олиш насиб этмайди, “кулоқ”, “домланнинг боласи” деган айб билан уни ўқишдан чиқариб юборишидади. Қатағон шамоли шу тарика отамнинг тақдирида салбий ўзгариш ясайди...

“1937-1938 йилларнинг «капта қирғин йиллари» сифатида тарихда қолишига сабаб, бу дәверда нафақат “халқ душмани”, балки унинг фарзандлари, оила аъзолари ҳам қуёғин-сургуңга учраган. Уларнинг ўқиши, ишлаш имкони бўлмаган. Агар “халқ

дода шеърият, ҳажвиёт, сатира, таржимонлик санъати муҳим аҳамият касб этган. Табиатан одамоҳун ва самимий инсон бўлган Абдулла “Исомиддин”, “Қозоқ” деган тахаллуслар билан ўзбек ижодий муҳитига кириб келади. “Қозоқ” тахаллусини қозоғистонлик бўлгани учун “Муштум” журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад қўйган. Ҳуллас, бобом оқлангач, отамнинг ҳам йўли бўлди. “Тарсаки”, “Бир илжайинг, яхши қиз” каби китоблари чоп этилди. Шеърлари саралangan тўпламлардан жой олди. Марказий телевидениедаги “Шанба, нонуштадан сўнг” дастурни учун сценарийлар, “Табас-сум” радиожурнали учун маҳсус дастурлар тайёрларди. “Телеминиатюралар театри” ва унда роль ўйнаган Эргаш ва Рӯза Каримовалар учун сценарийлар ёзил берарди, катта маҳорат билан турк, қирғиз, корақалпок, қозоқ тилларидаги асарларни ўзбекчага ўгиради. 2 жилди “Қўрқинчли Техрон” романининг таржимаси фикримга далил. Атоқли шоир Мирмуҳсин ака ёрдамида Навоий кўчасидагиFafur Ғулом нашриёти яқинидан ўли-жойли бўлганмиз. Яна бир муҳаррир Иброҳим Раҳимов автомашина бермоқчи бўлди, отам қабул қилмаган. Уйимизда Ҳусан Шарипов, Бахтиёр Иҳтиёров каби санъат усталари, башқа таникли шоир-ёзувчилар, қаламаш дўстлари, устозлари Сайд Аҳмад, Мирмуҳсинлар кўп маротаба меҳмон бўлишган. “Шағифа қириб беркиниб, шоиролада ўйдиган қора қизмисан?” деб менин эркалашганини эслайман... Онам эскишаҳарлик Ибодат билан тўрт фарзанд: камина, укаларим Алишер, Азамат ва Жамилаларга солиқ тарбия беришид. Иход, маданият, маориф соҳаларида ўз ўрнимизни топдик. Мехрибон ота-онамни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!

– Сизнинг оиласигизда ҳам сиёсат қурбонлари бўлган дейишади...?

– Турмуш ўртоғим, шимкентлик Маъмуржон Рӯзиметов (мархум)ни 80-йилларда “Пахта иши” деб отишга ҳукм қилишган эди. Сўнг қамоқ жазосига ўзгартиришид. 27 ёшида қамалган эримни 7 йил Свердловскдаги қамоқхонада сақлашади. Олис юртдаги қамоқхонага қатнашлар, турли хўрликлар, ҳаммаси оиласигизнинг бошидан ўтди. Ниҳоят, у киши ҳам оқланди, ҳаётимиз изга тушиб, тўрт фарзандни вояга етказдик. Ҳуллас, оғир кунлар ортда қолди..., тилагим – болаларимиз замоннинг ноҳақ сиёсатини, машъум кунларни ҳеч қачон кўришмасин.

Умр ўткинчи, хотира қиймидир. Хотиранинг қиймати йиллар ўтган сайн ортиб бораверар экан. Газетамиз шу хайрли ва эзгу ишда сиз, азиз муҳлисларга ёрдам беришга ҳамиша тайёр. Тарихий қимматли маълумотлар бўлса, бемалол мурожаат қилишиниз мумкин.

Н. МАВЛОНОВА.



унинг оила аъзоларига ҳам таъсир қилмай қолмагандир?

– Албатта, “Халқ душмани”-нинг аёли деб, бувимни ҳам бироз вақт қамашади, тергов қилишидади. 4 бола бобо-бувисининг қўлида, яъни Мирза ота ва Ойша онанинг ўйида қолади.

Аламли томони шундаки, айни гуллаган чоғида қамоққа олинган ва азоб-уқубатларга дучор этилган ўзбек аёллари ҳам кўп бўлган. Ваҳоланки, 20-30 йиллардаги урф-одатларга кўра аёллар уй бекаси бўлишган, улар турмуш ўртоқларининг фаолияти билан мутлақа қизиқишмаган. Лекин шунга қарамасдан беаёб, бегуноҳ муштипарлар турли ситамларга мубтало бўлганлар.

– Бўладиган бола бошидан маълум, деганларидек, отам Абдулла болалигига жуда идрокли ва зеҳни бўлган, бобомдан диний таълим ола бошлиган. Исомиддин Нўймоннинг китоблари буғунги кунда Тошкентнинг марказий масжиди бўлган “Хости Имом”да сақлашади, ёш Абдулла ўша китобларни ўқиб катта бўлган. Сўнгра Шимкент шаҳридаги Улуғбек

душмани” зиёли бўлса, унинг кутубхона ва китоб дўйонларида ёзган, маржима қилган ёки муҳаррирлар қилинган китоблари-асарлари ўқуқ қилинган, саҳна асарлари, кинофильмлари олиб ташланган. Юксак маданиятли ижодкор инсонларнинг обрўларини тўкиш учун турли мажлислар ўтказилиб, кескин танқидлар қилинган, шаънига дод тушниручи иғво-бўйтонлар тарқатилган, матбуотда кескин қораловчи мақолалар босилган. Миллий кадрлар шу тарика бадном қилинган. То оталари оқланмагунча, уларнинг тарбияли ва истеъоддили ўғил-қизларни ҳам таъқиблардан қутулишмаган.

– Кейин у она шаҳрига қайтиб келиб, Ҳамза даҳасида яшайди ва ўзи ўқиган қадрдан мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлиайди. Иходга берилади, ҳикоялари Тошкент шаҳридаги матбуотда босила бошлиайди. Уни “Муштум” журналига ишга таклиф қилишидади. Тошкентга кўчиб борганида, мен икки ойлик чақалоқ эканман (1957 йил). Отам ҳаёти ва ижо-



ЙИГИРМА ИККИНЧИ СҮЗ

Шу кунларда мән қозоқлар ичіда кимни яхши күрсам экан, кимни қадрласам экан, деб ўйладим. Бойларни қадрласаммикин? Бироқ ундай десам, бу элда тузукина бой ҳам йўқ. Бор бўлса – у ўз бошига ва ўз бойлигига ўзи хўжайнинлик қилмасмиди? Бирорта бой йўқки, ҳозир у ўз молига ўзи эга бўлсин. Баъзи бир бойлар бирорлар билан тиллашиб, ўзининг ёнини олдириш учун юз кишига ялининг-ёлвориб, топган-тутганини уларга улашиб юришибди. Улар ўйлайдики, ялинтириб бердим, деб. Йўқ, бу аҳмокликдир. Аксинча, улар ўзлари ялиниб бериб юриди. Бу хайр-эҳсон ҳам, хотамлик ҳам эмас. Балки фақат ўз эли билан ўзи низолашиб, текинхўрларга кўйинни очиб, молдунёсини бекорга сочишликидир.

Баъзи бир бойлар: эл аъёнлари эса бир-бира билан келиша олмагач, дов-жанжаллар кўпайиб кетиди, ана шуларни муросага келтирганларга чор-ночор мол-дунёсими сочиб юриди. Мирзаларни қадрлай, десам, шу кунларда эл ичиди битта ҳам ҳақиқий мирза йўқ. Бекордан-бекорга мол-дунё сочадиган мирза итдан ҳам кўп. Баъзилари фойда кўраман, деб мирза бўлиб юришибди, баъзилари – ўлганинг кунидан... Бўлислар билан бийларни ҳурмат қиласай десам, шу кунларда элда худо берган бўлислер билан бийлик ҳам йўқ. Сотиб, баш уриб, ялиниб олган бўлислер билан бийликда эса – хосият бўладими? Зўравонларни ҳурмат қиласай, қадрлай десам, ёмонликка келгандা – эл-

нинг бари ҳам зўравон, яхшиликка келгандачи – элдан биронта ҳам зўравон тополмайсан, киши. Ақлхушли, адолатли, орномусли, инсофли кишиларни топиб, қадрлай десам – бундай кишилар эл ичиди йўқ. Қувлик, шумлик, ҳаромлик, инсофислик, амалпарастликка келгандачи – одамларнинг ҳаммаси эслик бўлиб кетади.

Гариф-ғураболарнинг бошини силаб, ҳурмат қиласай десам, у ҳам элда камдан-кам. Ётган туюники эплаб мина олмагандан кейин нима кераги бор бундай мўминликни? Агар, энди, эплаб мина оладиган бўлса, бундай гариф эплаб ғайрилик ҳам қила олади. Энди қувлар билан шумлар қолди. Ҳаммага аёни: бундай одамлар бировларни алдамаса, бировларга алданмаса ва шумлик қилмаса тура олмайди. Хўш, энди кимни яхши кўрай, кимнинг манфаатини ўйлаб, тилагини тилай? Чунки бундан бошқа илож йўқ, албатта! Рост шундай экан, «Кўп ўлмас, ризқи камимас» дегандек, ўзининг ўлмас тириклигини қилиб, еб тўймай, кийиб ёлчимай, ўғри, муттаҳамларга, золимлар ва қувларга ем бўлиб, хор-зор бўлиб юрган чин маънодаги мўминларнинг манфаатини кўзлаб, тилагини тиламай иложим йўқ. Шундан бошқа чора топа олмадим.

Носир ФОЗИЛОВ таржимаси.

ФАХРИЙЛАР ҚАТОРИ
КЕНГАЯДИ

Буюк Галабанинг 75 йиллиги арафасида Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев “Фахрийлар тўғрисида”, “Қозоғистоннинг баъзи қонун ҳужжатларига меҳнат масалаларига оид ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонунларини имзолади.

Қонунга мувофиқ, фахрийлар тўрт тоифага ажратилди:

1) УВУ фахрийлари (уруш қатнашчилари ва уруш ногиронлари);

2) бошқа давлатлар худудида ги уруш ҳаракатлари фахрийлари, бунга Афғонистондаги урушда иштирок этган ҳарбийлар, 1992 йилдан 2001 йилгача бўлган даврда тожик-аффон чегарасида МДҲ ташки чегарасини қўриклишда, 1968 йили Чехословакиядаги зиддият, Тоғли Қорабоғдаги этишда иштирок этган одамлар, шунингдек, Ироқдаги муросасозлик операцияларида иштирок этган миллӣ контингент қўшилган;

3) имтиёзлар бўйича УВУ фахрийларига тенглаштирилган фахрийлар, имтиёзлар ва кафолатлар бўйича УВУ қатнашчиларига тенглаштирилган фуқароларнинг 8 тоифаси ҳамда УВУ ногиронларига тенглаштирилган фуқароларнинг 5 тоифаси;

4) меҳнат фахрийлари, яъни Социалистик Меҳнат қаҳрамонла-

ри, III даражали “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиблари, “Қозоғистон Меҳнат қаҳрамони” увонига эга шахслар, 1942 -1945 йиллар оралигига камидаги оли ой ишланган, ҳарбий хизматда ҳамда УВУ йилларида фронтортидаги астойдил меҳнати ва ибратли ҳарбий хизмати учун собиқ СССР орден ҳамда медаллари билан тақдирланган фуқаролар киради.

Нафақа миқдори қанчага ошиди?

Социалистик Меҳнат қаҳрамонлари, шу жумладан, УВУ қатнашчиларини эътиборга олиб, учинчи даражали “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибларига тайинланадиган махсус давлат нафақаси миқдори билан тенглаштирилди. Яъни, нафақа 138,63 ОҲҚга (2020 йили 385 114 тенге) гача ошиди.

Шунингдек, 1988-1989 йиллари Чернобиль АЭСдаги оғатларни бартараф этишда иштирок этганларга тўланадиган махсус давлат нафақаси 4,8 ОҲҚ (2020 йил 13 334 тенге) миқдорида ўсади.

Бундан ташқари, бошқа мамлакатлар ҳудудидаги урушларда иштирок этган фахрийлар, янгидан қўшилган ҳарбий хизматчиларга 4,8 ОҲҚ (2020 йили 13 334 тенге) миқдорида махсус давлат нафақаси тўланади.

ҚозАхборот.

Қозоғистонда 14 ёшгача бўлган болаларга самолётда қатнаш бепул бўлади.

Маънавият ва жамият

БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР БИСЁР



Эски Икон қишлоқ округи ҳокимининг ўринбосари Абдулсаттор Расулов(суратда) билан сұхбатимиз жорий йилги режалар ва янгиликлар хусусида бўлди.

– Сұхбатимизни Эски Иконнинг Мақтаарал туманига кўрсатган ҳайрия ёрдамидан бошласак.

– Бу ҳайрии ишда қишлоқнинг ўшу қариси, барча зиёлилар ва тадбиркорлар бир ёқадан бош чиқариб, уюшқоқлик кўрсатишиди. Жами 1 млн. 200 минг тенгелик моддий ёрдам, озиқ-овқат ва кийим-кечак, керакли буюмлар Мақтааралга етказилди. Фурсатдан фойдаланиб барча ҳамкилоқларимга савоб ишдаги фаол иштирики учун миннатдорчилик билдираман.

– Қурилиш, ободонлаштириш борасида қишлоқда қандай янгиликлар бор?

– Насиб этса, шу йил 1 сен-

тябрь – Билим кунига қишлоғимизда бунёд этилаётган замонавий 300 ўринли мұхташам мактаб биносини фойдаланишига топшириш режаланмоқда. Янги Икон кўчасининг 4 чақирими замонавий тунги чироқлар билан таъминланади. Смета баҳоси 17 млн. тенге. Яна иккита кўча асфальтланади.

– Қишлоқда ер олиш учун навбатда турғанлар илтимоси қаҷон қондирилади?

– Бугунги кунда ҳамкилоқларимизнинг 800дан зиёди ер участкаси олиш учун навбат кутмоқда. Ҳозирги талаб бўйича ажратиладиган участкалар барча инфратузилмалар билан таъминланган бўлиши шарт. Шунинг учун ушбу масала ечи мини кутмоқда ва албатта ҳал этилади.

– Бу йил адаб Миртемир Турсунов таваллудига 110 йил тўлади. Ҳар гал ҳалқаро миқесда ўтказиладиган тад-

бирга тайёргарлик қандай?

– Карантин тадбирлари кўплаб режаларни тўхтатиб қўйди. Миртемир юбилейи ҳам карантин муддати тугагач, комиссиянинг холосасига қараб ўтказилади.

– Сұхбат учун ташаккур!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Кентов шаҳри.

● Рақамли Қозоғистон



унинг барча ҳужжатлари бир жойда тўплангани жуда қулай бўлади. Шу билан бирга, биз давлат органлари томонидан мустақил равишида олиниши мумкин бўлган маълумотномалардан воз кечиш устида ишламоқдамиз, – дея қўшимча қилди вазир.

Шунингдек, унинг сўзларига кўра, давлат идоралари ийл охирига қадар 24та ахборий маълумотномани чиқариб ташлашга ваъда беришган.

– Бунинг учун улар интеграциялаши тугатиши, шунингдек, ўзларининг меъёрий-хукукий ҳужжатларини ўзгартириши керак. Умуман олганда, ҳаётимиздаги қоғозбозлик тобора камайиб бормоқда ва бу жуда қуонарли, – дея холоса қилди А. Жумағалиев.

“Казправда”.

ТУРИЗМ ГАВҲАРИГА АЙЛАНАДИ

Вилоят ҳокими Ўмирзак Шўкеевнинг топшириғига мувофиқ, Кентов шаҳар Қоратов кўриқхонаси ёнидаги Хонтоғи туристик иншооти ҳудудида экологик ва фаол туризмни ривожлантиришга йўналтирилган сармоявий лоийҳалар амалга оширилади. Янги лоийҳалар тайёрланиб, салоҳиятли сармоядорларга тавсия этилмоқда.

Умумий майдони 230 гек-

тарли ер участкаси аниқланиб, унинг 50 гектарида саёхтлик лойиҳаларини амалга ошириш режаланмоқда. Бу Кентов шаҳрининг сармоявий имкониятларини, сайёхлар ва мөҳмонарлар сонини ошириш ва янги сайёхлик йўналишларнинг ривожланишига турти беради.

Қоратов кўриқхонасининг умумий худуди 34 минг гектар. Бу ерда Қозоғистон

“Қизил китоби”га киритилган ўсимликлар ва жониворлар кўп. Кентов шаҳри ҳокимлиги бу йил Хонтоғи сайёхлик минтақасига олиб борадиган 8 чақирим йўлни тартибга келтириб, вело-йўлак тӯшаб, ёритиш воситалари ўрнатмоқчи.

**“Жанубий Қозоғистон”
муҳбири.**

Диққат:аттестация!

АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТГАН

Жорий йилда ўқитувчи-ларни аттестациядан ўтка-зиш 3 босқичда амалга оширилади. Буни Қозоғистон Таълим ва фан вазирлиги Мактабгача ва ўрта таълим мўкитаси раиси М. Мелдебекова маълум қилди.

Ўқитувчилар 5 йилда бир марта, таълим ташкилотлари раҳбарлари 3 йилда бир марта


аттестациядан ўтказилади. “Жорий йилдан бошлаб унда мактабгача таълим муассасалари ўқитувчилари ва раҳбарлари, қўшимча таълим муассасалари ўқитувчилари, услубиятчилар, шунингдек, техник ва қасб-хунар таълимни ташкилотлари раҳбарлари иштирок этади. Ушбу уч босқичдан муваффақиятли ўтган ҳар бир ўқитувчига таълимни ташкилотлари раҳбарлари иштирок этади. Ушбу уч босқичдан 50 фоизгача бонус олади”, деди Қўмита раиси.

“Егемен Қазақстан”.

● Мулоҳаза

Ҳар бир қийинчиликнинг орти хайрли эканлиги қалбларга таскин беради. Ўша хайрга интилиб, Яратгандан эзгулик кутуб яшар экансан, киши. Фавқулодда ҳолат муносабати билан юртимизда эълон қилинган карантин туфайли, мана, икки ярим ойдирки, фарзандларимиз ота-она бағрида, назорати остида таълим олишяпти. Телевизорлар экранидан ҳеч учмайдиган “Ўйда қолинг!” деган чақириғига қатъий амал қилиб, онлайн тартибда ишлашга ўтганимиз.

КАРАНТИННИНГ СИНОВЛАРИ



Хайрли томони шундаки, оилада фарзандлар билан биргаликда ҳам уларнинг онлайн дарсларига кўмаклашиб, ҳам рўзгор ишларини, ҳам раҳбариятнинг топшириқларини бажаришга улгуряпмиз. Истак бўлса, интилиш бўлса, барасига вақт топилар экан. Ўғил-қизларимиз ҳам коронавирус иплатининг оқибатлари ҳамда хавфсизлик чораларини кўй телефонларидан обдон ўқиб, ўрганиб, саноқли кунларда ҳам руҳан, ҳам маънан улғайиб қолганига гувоҳ бўляпмиз. Давр бизни ўзига хос интизом билан тарбиялаяпти, тоблаяпти, демак. Аммо, онлайн тарзда таълим олишга бизнинг тизим ҳали у қадар тайёр эмас экан. Миллионлаб ўқувчиларнинг ташрифига ота-оналарнинг “дош беролмаган” интернет саҳифаларида дарсларни кутавериб асаблари роса таранглашди. Ижтимоий тармоқлар орқали ўтилаётган дарслар қулайроқ ва осон эканлигига кўз етказгач, шу йўналишда дарслар изга тушиб кетди.

Келинларимизга бу осон кечмади. Рўзгор ишларига онлайн сабоқлар қўшилди. Баъзида бир боланинг дарсини уч-тўрт соатлаб daryn online, i.мектер орқали бажаришга тўғри келди. Компьютери йўқ, интернет тармоғига чиқиш имкониятига эга фақат битта телефони бор оиладиги 5-6 боланинг масофадан дарс қилишини тасаввурингизга сидира оласизми? Ҳар бир ўқувчининг ҳар бир дарсидан (камиди олти фан) алоҳида Whats App гуруҳлари очилган, ҳар биридан тинмай топшириқлар келиб туради, бунинг учун аниқ вақт ҳам белгиланган. Боланинг, ўқувчининг, муаллимнинг руҳияти эса қўл телефонидаги дақиқа сайн келиб тушаётган топшириқлар ва уларнинг жавобларига узвий боғлиқ. Гуманитар, табиий фанлар дарсларини дикқат билан бажараётган пайтда мусиқа, жисмоний тарбия ҳамда меҳнат дарслари муаллимлари ҳам борлигини маълум қилишиб, турли топшириқлар юборишид. Меҳнат муаллими математика дарсини қилаётган қизимга тайёрлаган салатини тасвирга тушириб, жўнатишини айтса, жисмоний тарбия муаллимамиз бир машқни юз марта тақрорлашни топширади.

Тўғри, масофадан ишлайпмиз, ўқитувчиларимизга ҳам бу осон бўлмаяпти. Янги талаб, янгича ёндашув. Бироқ бунинг вақтини ҳам, ота-оналарга юкланаётган масъулиятни ҳам эътиборга олиш жоизку. Мактабда фаррошлар ҳам ишлаяпти,

М. САЪДУЛЛАЕВА.



БОЛАЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини ўтказиш тўғрисидаги қарор 1949 йил ноябрь ойида Парижда, Халқаро демократик аёллар федерациясининг маҳсус сессиясида қабулланди. Тарихий маълумотларга суюнсак, дастлабки байрам 1950 йилда ўтказилган. БМТ ушбу ташаббусни ўз пайтида кўллаб, болаларнинг ҳаёти, ҳуқуқлари, соғлигини ҳимоя қилишини ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айлантириди.

Болаларни ҳимоя қилиш куни уларнинг ҳаётини урушдан муҳофаза қилиш, соғлигини сақлаш, келажак авлодга демократия асосида таълим ва тарбия беришга доир дунёвий илгор фикрларни туташтирадиган омил де-сак муболага бўлмайди.

БМТ олиб борган сўровномаларга юқинсак, бугунги кунда жаҳонда ҳар ўнинчи бола катталарап томонидан зўрлик-зўрвонликка учар экан. Шу-

нингдек, жаҳонда ҳаёти хавф-хатарга тўла болалар ҳам етарли. Очялангоч, уруш оловлари, терактлар болалар ҳаётига хавф түгдирибина қўймай, уларни баҳтили болалигидан, дунёдаги бошқа тенгдошлари каби билим олиб, тарбияланни имкониятидан айради. Шу боисдан бу кунда беқарорлик ўрин олган мамлакатлардаги болаларга фамхўрлик масаласи ҳам эътибордан четда

қолмайди.

Шунингдек, жаҳон халқлари 20 ноябрь куни Халқаро чақалоқлар кунини, 16 июн куни Африка болаларни муҳофаза қилиш кунини нишонлайди.

Қозғистонда 1 июн куни болаларга бағишлиланган кўплаб маданий тадбирлар ўтказилар эди. Хиёбонлар, соғломлаштириш майдончалари, ўйногхлар, фавворолар атрофи болаларнинг шұхшодон күлгусига лиммолим тўлар эди. Лекин бугунги кунда мамлакатмиздаги фавқулодда вазият тифайли бундай тадбирлар чекланган ҳолда, кўпроқ онлайн тарзда ўтказилади.

С. ШАРИФБОЕВА.

● “Обуна-2020”

МАЪНАВИЯТ ҚУЁШИ



«Жанубий Қозғистон» газетаси – дўйстликнинг меваси. Мехр-оқибатнинг, Мустақиллигимизнинг меваси.

Ўтган 29 йилда таҳририят ва унинг ижодий ходимлари вилоят ҳамда республика кўриктанловларининг ғолибларира гайландилар.... Қимматбаҳо мукофотлар, дипломлар, фахрий ёрликлар жамоанинг ҳалол межнатларидан дарак бериб туриди.

Нашринг тарихидан ҳам хабардорман. Жонкуярларга раҳмат! Бироқ газетани вақтида чол этиш учун ўз компьютерларини берди. Бироқ «Жанубий Қозғистон» тезроқ элга танилсин, дея ўз маслаҳатларини айтди. Яна бироқ тантилик қилди: «Дўйстларни ўқотиб қўймайлик, ошна!» – деди. «Жанубий Қозғистон» билан ошно бўлди, кам таъминланган оилаларга 10 ё 50 газетадан обуна қилди.

Хуллас, шунаقا гаплар. «Жанубий Қозғистон», энди сенинг муҳлисларинг ортиб боришига ишончим комил.

Қиёмжон ЗОКИРОВ,
маҳнат фахрийси.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ,
жамоатчи муҳбир.

Қалбнинг дорисиз давоси

Юнон файласуфи Арасту «Катта ахлоқ» асарыда қалб фазилатларини ақлдан юқори күйгән.

Чиндан ҳам барча замонларда учрайдиган баҳил, ичи қора, муттаҳам, порахүр, мансаб-параст одамлар ҳам ўзларича жуда ақлли одамлардир. Аммо уларда ақл етарлы бўлса ҳам, қалб мусаффолиги, яхшилик интилиш, меҳр-шафқат каби фазилатлар етишмайди.

Замонавий тиббиёт олдида қалбнинг соглом бўлишига эришиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Оилавий турмуш ва хизмат соҳасида юз берадиган тушунмовчиликлар киши руҳига салбий таъсир қиласди. Ижтимоий муаммолар, атрофдагиларнинг кўпол мумомаласи дилни оғритади. Дилемиз оғриса, энг яқин одамимизга сиримизни очамиз, кўнглимизни бўшатамиз. Аммо тинглайдиган одаминг ҳам бўлмаса, унда Яратганинг ўзига айтаверасан. Асабимиз бузилиб, ўзимизни ноҳуш сезсан-чи, ҳаким ҳам оқизлик қиласди. Чунки бунақа кўзга кўринмас дардларни ҳеч ким тан олмайди. Аммо дилингиз қаттик оғриса, қўлнингиз ишга бормаса, юрагингизга қил ҳам сиғмаса, ишда унум бўладими? Хўш, нима қилмоқ керак?

«Ойнаи жаҳон»да кетма-кет кўйиладиган сериалларни то-моша қилиб, ҳайратимиз ошади. Унда иштирок этувчиларнинг ишлари сал юришмай қолса, севги бобида ҳам омадлари чопмаса, дарров психиатрга югуриб қоладилар ва атрофдагилар ҳам бунга оддий ҳолдек қарашади. Ҳаким эса уларга, дарров уч-тўрт хил дорини тавсия этиб, кутулиб қўя қолмайди, балки ўз мижозларининг ҳаётига ётибор билан қараб, маслаҳат беради.

Психиатрга учраб, ҳар хил муаммоларни ҳал этиш бизда ҳали расм бўлганича йўқ, аниқроғи, бунга ўрганмаганимиз. Руҳан чарчаган одамга шу мутахассисга учрашиши лозимлигини айтиш, уни баттар касал қилиш билан баробар. Чунки бизда ҳали ҳам психиатрга фақат руҳий касаллар, ичкиликтоз ва гиёхандларгина мурожаат қилиши керак, деган тушунча ҳукмон. Ҳолбуки, тишишимиз, кўзимиз ёки бошимиз оғриса, ҳакимга учрасак ҳеч ким ҳайрон бўлмайди. Психиатрга борсак, одамлар бошқача қарайдилар. Унга учрашиш ҳам худди оддий ҳакимга боришдек одатий ҳол бўлишига эришишимиз зарур. Ахир руҳимиз талаб қилган нарсани онгимиз ҳам тушунсин-да.

Инсон руҳи ҳақидаги илмада уч йўналиш мавжуд, психология, психиатрия ва психоанализ (руҳий таҳлил) шулар сирасида киради.

Психологиянинг вазифаси

— инсон руҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат. Руҳшунослар касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятларини аниқлаб берадилар, аммо уни даволамайдилар. Бу фан жуда ҳам қадимдан маълум ва мавжуд.

Психиатрия — тиббиётнинг амалий соҳасидир. У — вужуд фаолиятининг бузилишларига олиб келган ёки одам иш қобилиятининг қисман ёхуд бутунлай йўқолишига сабаб бўлган аниқ руҳий хасталиклар билан шугулланади. Бундай касалликлар, кўпинча, дори-дармонлар ёрдамида даволанади.

Психоанализ — психиатрияning махсус бир бўлими бўлиб, кўпгина тиббий фанлар ундан амалиётда фойдаланади. Психиатрдан фарқли ўлароқ, психоаналитик ҳали касаликка чалинмаган, аммо ўзини ноҳуш ҳис қилган ва шу дардан иложи борича тезроқ қутулмоқчи бўлган одам билан иш олиб боради. Мижозни бу ҳолдан фақат билимли, ўз ишининг устаси саналган, саволларни тестлар орқали беришни биладиган, фақат шу беморнинг ўзига алоқадор даволаш усусларини излаб топадиган руҳий таҳлилшуносгина кутқара олади. Бу муолажада дори-дармонлар ва бошқа жисмоний усувлар тайин қилинмайди. Ҳатто унга нисбатан «бемор» деб ҳам мурожаат қилинмайди, уни фақат «мижоз» деб ҳисоблаш мақбул. Чунки, бу босқичда одам ҳали касал эмас, унинг жисмоний ахволи қониқарли бўлади. Руҳий таҳлилшунос фақат тиббиёт доирасида иш олиб бормайди. Бунда инсонпарварлик фанлари мухим ўрин тутади.

Шуниси қизиқки, инсон умр бўйи турли хил қийинчиликлар, азоб-уқубатларга бардош бера олади, ҳатто руҳий хасталиклар шифохонасига тушишига оз қолгунига қадар ҳам сабр-тоқат қиласди. Нега? Одамларнинг ўйлашиба, агар бундай шифохонага борсангиз, қизингизга совчи келмайди ёки ўғлингизга қиз беришмайди. Шу даражага-ча бориб, ғайримантикий хуло-са чиқариш шартми? Бу ҳолат халқимизнинг маданий ва маънавий савиасига боғлиқ бўлади.

Ўз ички маданияти, ўз қалби ҳақида ғамхўрлик қилишни истамайдиган инсонда, психиатрга бориш, дегандан фақат жинниларга қарайдиган ҳаким кўз олдига келади. Мижоз тоана шу зарурятни англаб етганича қўйналиб юраверади. Айни пайтда, одамлар назаридага жizzакироқ бўлиб қолгандек туюлаверади. Умуман олганда, ҳозир деярли ҳар бир оила бекаси психиатрга учрашиши шарт, деб ўйлаймиз. Чунки ўзбекона урф-одатлар, болача, эр, давлат иши, уй-рўзгор

ташвишлари ҳар қандай аёлни ҳам жисмонан, ҳам руҳан ҳолдан тойдиди. Ва бутун умр ғалваларга бой турмуш давом этаверади. Шунинг учун, яширин ҳолда бўлса ҳам психиатрга учрашиб, даволанганга нима етсин.

Шифокордан қўрқманг

Маълумки, ҳозир кўпгина хавфли касалликлар аноним тартибда даволанади. Шулар қаторига руҳан толиқиши ҳам қўшилса, ҳеч нарса қилмас. Авваллари психиатрга учрашган одамларда бирор хил руҳан толикиши аломатлари топилиб қолгудек бўлса, дарров ҳисобга олинар ва иш жойига билдириларди. Бу одамлар зийраклик ва хўшёриликни талаб этила-

мактаб дастурлари уни ҳар то-мондан эзади, ҳамма нарсадан кўнглини советади. Шундай экан, онда-сонда бўлса-да, ўз жонига қасд қилганлар катталар орасида ҳам, болалар орасида ҳам учраб туради. Машхур адаб Чингиз Айтматов, айниқса, катталарнинг болалар дунёсими тўкис тушуниб етмаётганига даврнинг улкан ижтимоий фо-жиаси, деб қараган эди.

Ҳозирги даврда психиатрга муҳтоҷ бўлган одамлар сони янада кўпайди. Ишибилармонларнинг кўпчилиги аёллар бўлганилиги сабабли, бу муаммо янада жиддийлашди. Чунки бозор ишларидан ташқари, у аёлнинг бўйинда оила, бола-чақа ташвиши ҳам бор-да. «Бозорчи аёл»ларнинг кўпол мумомаласи, бақириб-чақириб



диган масъулиятли ишлардан, машина ҳайдаш ҳуқуқларидан маҳрум қилинарди. Психиатрга йўлланган кишилар ҳам кўзимизга хавфли одамлардек, қўрқинчи қўринар ёки камситилишига маҳкум бўларди. Муолажа эса бор-йўғи бир ҳанча кучли таъсир этувчи психотроп воситалардан иборат бўларди. Руҳий талқиншунослар ҳақида эса умуман ўйламаган ҳам эдик.

Хўш, психоаналитикларга мурожаат этишга кимларда кўпроқ зарурат сезилади? Маълум бўлишича, уларнинг кўпчилигини болалар ташкил қилар экан. Чунки болаларнинг руҳияти ҳали мустаҳкамламаган бўлади ва улар катталар томонидан кўпроқ тазиик остига олинади. Атрофида бўлиб ўтаётган ҳодисалар, катталарнинг хулқатвори, муаммолари ва борган сари кучайиб бораётган ўриннисиз талаблари гўдакнинг гулдек нозик қалбига даҳшат солади. Ўда ота-онанинг ўзаро муносабатлари, болага қиладиган муомалалари, бօғчада тарбиячиларнинг айирмачиликлиари, мактабда тенгдошларининг лақаб қўйиб, камситишлари, муаллимларнинг талаблари ва тобора оғирлашиб бораётган

савдо қилишлари уларнинг «эр-какка айланиб» кетишларига бир баҳя қолганидан далолат беради. Бу аёлнинг уйига келганида, боласини эркалашга ҳам, унинг дарс тайёрлашини кузатишга ҳам тоқати етмайди. Бозорнинг ҳар қадамида болалар, буни ҳаммамиз кўрамиз. Улар ҳам бирорларни сўқади, бирордан сўқиши эшитади. Буларнинг ҳаммаси асабида ва ботиний онгидан изолиди. Ҳеч бир ташвиши ҳам, алам ҳам изисиз ўтиб кетмайди. Барчаси йигилиб бориб, бир куни ўзини намоён қиласди.

Руҳимиз ҳам даволанишга муҳтоҷ

Кўп одамлар ромчиларга, экстрасенсларга қатнайдилар. Тайёр ҳакимлар, дорихоналарда кўплаб таҳланиб ётган дори-дармонлар бўлишига қарамай, барибир ўшаларга борадилар. Ҳолбуки, ромчилар ва бошқалар мижозларига дори бермайдилар. Нина билан даволамайдилар. Гап шундаки, одамлар уларга руҳий ёрдам олиш учун борадилар. Экстрасенсларнинг ширин, кўнгилни кўтариувчи сўзлари одамларга далда бўлади,

● Руҳият сарҳадлари

руҳини кўтаради, қалбини тинчлантиради. Демак, сиз ромчига даволаниш мақсадида эмас, балки кўнгилочар томошага боргандек бўласиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам алдамчи, фирибгар эмас. Ҳақиқатан ҳам уларнинг Аллоҳ берган хислатлари ҳам бор. Аммо шу сабабли синалмаганларига ҳам таваккал қилиб боравериш нотўри.

Даволанишнинг энг тўғри йўли бу психоаналитика ёки психиатрга учрашишдир. Уларга тўлиқ ишонса бўлади. Ҳозир бу мутахассисларга учрашиш оддий бир ҳол бўлиб қолди. Одамларимизнинг онги ва маданияти тобора ўсиб бораояти. Одамнинг барча аъзолари каби руҳи ҳам дам олишга, даволанишга муҳтоҷ эканлигини ҳаммамиз тушунамиз. Ҳаётнинг икир-чикирлари ҳар қандай одамни ҷарчатиб қўяди. Чарчаш аломатлари даставал сезилмайди, яширин кечади. Шунинг учун беморлар ҳакимларга кечикиб борадилар.

Руҳий касаллик эндоген ва экзоген равишда кечиши ҳам мумкин.

Эндоген (ички) касалликлар ичкى салбий ҳиссиятлар туфайли келиб қиласди: бунда вужуд фаолиятида бузилишлар юз беради. Буни ошқозон яраси, умуртқа погонаси касалликлари ва бошқалар пайдо қиласди.

Экзоген (ташқи) касалликлар эса ташқи таъсиротлар оқибатида пайдо бўлади. Касалликнинг ана шу тури кўпроқ учрайди. Бу касалликларни даволаш учун қисқа давом этадиган босқичларни битирганлар, ўй ҳаммираси босқичида ўқиб чиққанларга зинҳор бора кўрманг. Билимсиз, малакасиз одамларда даволанишга уриниш оғир оқибатларга олиб қелади.

Психологлардан ҳам, психоаналитиклардан ҳам психиатрлар каби, одам анатомияси, руҳиятини ва даволаш усусларини пухта билиш талаб қилинади.

Кўпгина одамлар психиатрлар одам руҳини бузувчи, оғир таъсир қилувчи аксилидепресантлар билан даволайди, деб ўйлашиди. Аслида бундай эмас. Шифохоналарда жисмоний муолажа, гиёҳлар билан даволаш, кўзбахшилик, игна муолажа, ароматерапия усуслари қўлланилади.

Шунинг учун, ўзингизни оғир сеъсангиз, кайфиятнинг тушкун бўлса, салга жаҳлингиз чиқаверса, умуман руҳингизда бирорта ўзгариш пайқасангиз, тортинасадан психиатрларга мурожаат қилаверинг. Келиб, шошилмай, уялмай, ўзингизни яхшилаб текширириб юринг. Биласизки, ҳакимлар Сиз ҳақингиздаги маълумотларни ошкор қилмаслик ниятида Гиппократ номи билан қасам ичганлар.

«Дорисиз қалб давоси»

Бош мұхаррир — Алишер Фофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахсрлар:

Түркестон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид КЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкобош — Мунира САҶДУЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МУМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис: Туркистан вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси — «Жанубий Қозогистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулиятчи чекланган биродарлиги.

- Мақолалар, эълон ва билимурлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъуллариди.
- Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йй, 4-кават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55. Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданияти ва ахборот вазирилиги томонидан 2020 йил 21 апредан рўйхатта олини, KZ34VPU00022503 гувоҳнома берилган.

Буюртма:

1992



SILKWAY INTERNATIONAL UNIVERSITY

БҰЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРГА – МУНОСИБ БИЛИМ!

SILKWAY халқаро университети халқаро ҳамкорликни сифатли ва самарали ривожлантириш учун жағоннинг етакчи университетлари билан, ҳусусан, ТОП 1000 QS World Rankings таркибиға кирадиган олий ўқув юртлари билан ўзаро алоқаларни фаол равиша ривожлантирумокда. Шу йилларда у яқин ва олис хориж давлатларининг 28та университети ҳамда таълим муассасаси билан 90дан зиёд меморандум ва шартномаларни имзолади.

Хар йили SWIUnning 30га яқин талабаси Испания, Португалия, Малайзия, Польша, Литва, Россиянинг пешқадам университетларида таълим олади. Университетда, шунингдек, Польша, Россия, Белорусь Республикаси ва Қирғизистоннинг етакчи олий ўқув юртлари билан күш дипломли таълим дастурлари мавжуд.

Манзил: Қозогистон Республикаси, Шымкент шаҳри.
Телеграмм: @swiu, @international_office, @talapker_silkway_2020.



SILKWAY халқаро университети педагогика ихтисосларни бүйіча ҳар томонлама ривожланган ва юқори малакалы мутахассисларни тайёрлайди. Шунингдек, "Ижтимоий педагогика", "Дефектология", "Бизнес ва бошқарув", "Хисоб ва аудит", "Молия", "Юриспруденция", "Информатика ва хи-соблаш техникаси" ихтисосларни бор. Университетта академик мобиллік ҳамда күш дипломли таълим жорий қилинмоқда: талабалар хориждаги ҳамкор ОҮОда билим олиш ва ҳамкор университет транскрипти ва дипломини олиш имкониятiga ега.

Мустаҳкам моддий-техникавий база, йирик күтүхона жамғармаси, интернет тармоғи, барча шарт-шароитларга эга 500 ўринли талабалар уйи ва замонавий спорт мажмусаси – талабалар хизматында.



SILKWAY ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕДАГИ СИФАТЛИ БИЛИМ – МУНОСИБ КЕЛАЖАК ҚАФОЛАТИДИР!

БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

1. 6B011 Педагогика ва психология	1. Педагогика ва психология
2. 6B012 Мактабгача таълим ва тарбия педагогикаси	2. Мактабгача таълим ва тарбия педагогикаси
3. 6B013 Фанга ихтисослашмаган ўқытуvчиларни тайёрлаш	3. Бошланғич таълим педагогикаси ва услубияти
4. 6B014 Умумий ривожланиш фанларига ихтисослашган ўқытуvчиларни тайёрлаш	4. Жисмоний тарбия ва спорт
	5. Бошланғич ҳарбий таълим
	6. Музыка таълими
	7. Бадийи мәннат ва лойиҳалаш
	8. Техник ва касбий таълим педагогикаси
5. 6B015 Табиий-илмий фанлар бүйіча ўқытуvчилар тайёрлаш	9. Химия
	10. Биология
	11. Кимә ва биология
	12. Математика
	13. Информатика
	14. Информатика ва робототехника
	15. География
	16. География-Тарих
6. 6B016 Гуманитар (ижтимоий) фанлар бүйіча ўқытуvчилар тайёрлаш	17. Тарих
7. 6B017 Тил ва адабиёт фанлари бүйіча ўқытуvчилар тайёрлаш	18. Қозоқ тили ва адабиёти
	19. Рус тили ва адабиёти
	20. Чет тили: иккى чет тили
8. 6B018 Ижтимоий педагогика ва ўзини-ўзи таниш бүйіча мутахассислар тайёрлаш	21. Ижтимоий педагогика ва ўзини-ўзи таниш
9. 6B019 Максус педагогика мутахассисларни тайёрлаш	22. Дефектология
10. 6B023 Тиллар ва адабиёт	23. Таржимонлик иши
11. 6B041 Бизнес ва бошқарув	24. Иқтисодиёт
	25. Хисоб ва аудит
	26. Молия
12. 6B042 Ҳуқук	27. Ҳуқуқшунослик
13. 6B061 Ахборот ва коммуникация технологиялари	28. Ахборот технологиялари ва дастурлаш
	29. Компьютер ва ахборот тизимлари



Үқишига кириш мұддатлари
1 апрель-10 май ЯМТГа ҳужжатларни қабуллаш
20 июнь-7 июль Ижодий ихтисосларни қабуллаш
20 июнь-5 июль Ягона миллий тест
13 июль-20 июль Дағлат грантларига ҳужжатларни қабуллаш

МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

1. 7M011 Педагогика ва психология	6M010300 Педагогика ва психология
2. 7M013 Фанга ихтисослашмаган ўқытуvчиларни тайёрлаш	6M010200 Мактабгача таълим педагогикаси ва услубияти
3. 7M014 Умумий ривожланиш фанларига ихтисослашган ўқытуvчиларни тайёрлаш	6M012000 Қасбий таълим (соҳа бүйіча)
4. 7M015 Табиий-илмий фанлар бүйіча ўқытуvчилар тайёрлаш	6M010900 Математика
	6M011200 Кимә
	6M011300 Биология
5. 7M017 Тил ва адабиёт фанлари бүйіча ўқытуvчилар тайёрлаш	6M011700 Қозоқ тили ва адабиёти
	6M011800 Рус тили ва адабиёти
	6M011900 Чет тили: иккى чет тили
6. 7M019 Максус педагогика мутахассислар тайёрлаш	6M010500 Дефектология
7. 7M023 Тиллар ва адабиёт	6M020700 Таржимонлик иши
8. 7M041 Бизнес ва бошқарув	6M050600 Иқтисод
9. 7M042 Ҳуқук	6M030100 Ҳуқуқшунослик

ДОКТОРАНТУРА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

8D011 Педагогика ва психология	6D010300 Педагогика ва психология
8D013 Фанга ихтисослашмаган ўқытуvчиларни тайёрлаш	6D010100 Бошланғич таълим педагогикаси ва услубияти

Шымкент шаҳри, Тұқаев күчаси, 27-“А”.
Шымкент шаҳри, Жангелдин күчаси, 13.
Тел.: 8 (7272) 53-71-52, 8 (7252) 56-82-45,
8 (7252) 53-67-82, 8 (7252) 31-03-32.

WWW.SWIU.KZ